

**А Ж Р И М**  
(жазо турини ўзгартириш ҳақида)

2022 йил 3 февраль куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Улуғбеков, судья ёрдамчиси М.Мадумаровнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Рўзиевнинг иштирокида, Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими бошлиғининг маҳкум Мелибоев Бурхон Бахромовичга нисбатан нисбатан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш ҳақидаги тақдимномасини иш материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2021 йил 14 сентябрдаги ажримига кўра,

Мелибоев Бурхон Бахромович, 1984 йил 4 декабрда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, “SEVEN STEP” ҳамда “ENFIMIX” МЧЖ норасмий раҳбари бўлиб ишлаган, Қўқон шаҳар, А.Умархон кўчаси, 81-уйда яшовчига

нисбатан жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2021 йил 16 апрелдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган 3 йил 4 ой 3 куни ҳар ойда 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судига Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими томонидан тақдимнома билан мурожаат қилиниб, унда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан маҳкум Б.Мелибоевга нисбатан тайинланиб, ҳозирда ўталмаган 3 йил 4 ой 3 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш қилиш масаласини ҳал қилиш сўралган.

Суд мажлисида сўралган Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими инспектори З.Уришбаев ўз кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам маҳкум Б.Мелибоевга Бешариқ туман судининг 2021 йил 16 апрелдаги ҳукми билан 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2021 йил 14 сентябрдаги ажрими билан ўталмаган 3 йил 4 ой 3 куни ҳар ойда 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилгани, Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими томонидан 2021 йил 25 сентябрь куни рўйхатга олиниб, маҳкумни ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб қоидалари тушунтирилгани, маҳкумдан 2021 йил 29 сентябрда тилхат олингани, маҳкум билан профилактик суҳбат ўтказилиб, жазони ўташдан бўйин товлаш оқибатлари тушунтирилгани, 2021 йил 29 сентябрь, 4 октябрь ва 23 декабрь кунлари ишга жойлашиши учун Қўқон шаҳар



Бандликка кўмаклашиш марказига йўлланмалар берилган бўлишига қарамай, тайинланган жазони ўндан бир қисмидан кўпроқ қисмини ўташдан бўйин товлаб келаётгани, шу сабабли ўталмаган 3 йил 4 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа оғирроқ жазо турига алмаштиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган маҳкум Б.Мелибоев ўз кўрсатувида, жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 2021 йил 16 апрелдаги ҳукми билан 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2021 йил 14 сентябрдаги ажрими билан ўталмаган 3 йил 4 ой 3 кун ҳар ойда 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилгани, Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими томонидан 2021 йил 25 сентябрь куни рўйхатга олингани, унга ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб қоидалари тушунтирилгани, маҳкумдан 2021 йил 29 сентябрда тилхат олингани, маҳкум билан профилактик суҳбат ўтказилиб, жазони ўташдан бўйин товлаш оқибатлари тушунтирилгани, 2021 йил 29 сентябрь, 4 октябрь ва 23 декабрь кунлари ишга жойлашиши учун Қўқон шаҳар Бандликка кўмаклашиш марказига йўлланмалар берилган бўлишига марказ ходимлари унга шаҳар ҳудудидаги корхоналардан бўш иш ўринларини тавсия қилишгани, лекин унинг соғлиғи яхши эмаслиги, шунинг учун ишга жойлаша олмагани, келгусида имконият берилса ишга кириши мумкинлигини маълум қилиб, соғлиғини инобатга олиб, ўзига нисбатан тайинланган жазони озодоикни чеклаш жазосига алмаштириб бришни сўради.

Суд, Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими вакили ва маҳкумнинг кўрсатувларини, давлат айбловчисини фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, тақдимномани қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида “агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатини жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини ҳудди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради” - деб кўрсатилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра маҳкум Б.Мелибоев жазони ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими томонидан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ҳамда маҳкум Б.Мелибоевга жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2021 йил 14 сентябрдаги ажрими билан тайинланиб, ўталмаган 3 йил 4 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни ва маҳкумнинг зиммасига кеч соат 20 дан эрталаб соат 6 гача яшаш жойидан чиқмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбуриятларни юклашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси, ЖПКнинг 423, 539, 541, 542-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М    Қ И Л Д И:



Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Мелибоев Бурхон Бахромовичга жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2021 йил 14 сентябрдаги ажрими билан тайинланиб, ўталмаган 3 (уч) йил 4 (тўрт) ой 3 (уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга сутканинг кеч соат 20:00 дан эрталаб соат 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазосига алмаштирилсин.

Б.Мелибоевга куйидаги қўшимча тақиқлар юклансин:  
назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Ажримни ижро этиш Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазо ўташ муддати маҳкум Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

М.Улуғбеков

